

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА
СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

Муסיқа назарияси кафедраси

Қўлёзма ҳуқуқида

Бекниязова Шоҳистахон Ильясовна

Муסיқий риторика ва унинг Барокко
давридаги аҳамияти

5А 210 202 – «Муסיқашунос» мутахассислиги бўйича
магистр даражасини олиш учун
Магистрлик диссертацияси

Илмий раҳбар: Санъатшунослик
фанлари доктори,
профессор Азимова О.Н.

Тошкент – 2007

Мундарижа

Кириш	2
I – боб. Муסיқавий риториканинг асосий масалалари:	
1. Барокко даврида риторика.	4
2. Диспозиция назарияси ва амалиёти.	14
II – боб. Асосий фигуралар (мотивлар) лугати. .	30
Хулоса.	83
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	85

Кириш

Тадқиқотнинг мақсади.

Тадқиқотнинг асосий мақсади мусиқий риторика санъатининг Барокко давридаги аҳамияти, шунингдек И.С.Бахнинг мусиқий тили, унинг маънавий жиҳатларини ёритишдан иборатдир. Шундан келиб чиқиб, қуйидаги тадқиқот вазифалари белгиланди:

- Қадимги олимлар ва файласуфларнинг нотиклик санъатига бўлган муносабатларини аниқлаш;
- XVII–XVIII – асрда риторикани бошқа санъат турларига, хусусан театр ва рассомчиликка таъсирини ва уларга хос умумий томонларини очиб бериш;
- Риторик диспозиция асослари ва қоидаларини мусиқавий диспозицияда акс эттирилганини кўриб чиқиш;
- Риторик фигураларнинг тўлиқ рўйхатини тузиб, уларга бирма–бир ёндашиш ҳамда XVII аср инъикосидаги ҳолатини ёритиб бериш;
- И.С.Бах ижодиётида мусиқавий риториканинг асосий қисмлари бўлган диспозиция ва фигураларни қўлланилишини ўрганиш ва шу асосда унинг мусиқавий семантикасини англашдир.

Тадқиқотнинг янгилиги. Иш жараёнида қуйидаги кенг қамровли муаммоларга илк мартаба урғу берилиб, таърифланди:

1. Барокко даври мусиқасига бағишланган риторика ва мусиқий риторика масалалари илк бор ўзбек тилида ўрганилиб, баён этилди (мурожаат қилинди).
2. Риториканинг асосий қисми саналган диспозиция қисмлари кўриб чиқилиб, бирламчи жадвал тузилди.
3. Умуман мусиқашунослик илмида асосий мусиқий риторик фигураларнинг тўлиқ рўйхати илк бор лугат

кўринишига келтирилиб, назарий хулосалар таърифланди.

Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда мазкур тадқиқот ишимизда Барокко даврида ҳукм сурган риторикани илмий жиҳатдан ўрганишга жазм этилди.

Методологик асослари:

Илмий ишда диссертант мусиқашунослик тажрибалари ва илмий тамойилларига таянади, манбаларни баҳолаш ва бевосита асарлар таҳлиliga назарий билимлари нуқтаи назаридан ёндашади.

Тадқиқотнинг илмий – назарий ва амалий аҳамияти:

Ўзбекистон давлат консерваториясида «Мусиқий асарлар таҳлили», «Мусиқа тарихи» каби ўқув фанлари учун ёрдамчи манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

Шунингдек, ишнинг илмий – амалий аҳамияти шундаки, ундан мусиқачилар, айниқса, фортепиано, торли чолғулар бўлимлари талабалари асарларда мусиқавий оҳангларнинг мазмунини риторик фигуралар орқали онглашга ёрдам беради.

Диссертациянинг тузилиши:

Иш – кириш, икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация 88 бетдан ташкил топган.